Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 15-yanvar, payshanba, № 7 (3512)

Ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислоҳотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг — ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Ҳар қандай даврнинг куч-қудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.

Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик.

Ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислоҳотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.

Шу маънода, хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий мудофаа идоралари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усулларини жорий этиш орқали Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги узлуксиз ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий этиш катта ижобий рол ўйнаганини қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мудофаа қурилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулотлари мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан-йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғулотлари қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибнинг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, аввалambor, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган.

Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳр ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Бугунги кунда кўплаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти — мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрў-эътибори нақадар юксак эканини намоён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хом ашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта ҳудудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

Шунинг учун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.

Қадрли дўстлар!

Мана шу қутлуғ байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуролли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги — 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт ва омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мустақиллик майдонида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари тантанали тарзда саф тортди. Ватан ҳимоячилари ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Бу анъана замирида халқимизнинг энг бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва осмонимиз мусаффолигини нақадар қадрлаши мужассам. Ушбу буюк бойликни асраб-авайлаш эса энг шарафли ва фахрли касб эгалари – Ватан ҳимоячиларининг муқаддас бурчидир.

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг – ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз борлиги таъкидланди.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ушбу тантанали лаҳзаларда миллий куч-қудратимиз, буюк аждодларимизнинг юксак заковати ва мустаҳкам иродаси кўз олдимизда намоён бўлади. Ватан ҳимоячилари қалбида барчамиз учун ягона бўлган Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

●●○● ▶ 3

ЎзА сурати

13 январ куни “Туркистон” саройида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг, Президентимизнинг 2015 йил 12 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Шунингдек, «Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби», «Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси» танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

ЎзА

Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб байрам тадбири ўтказилди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Унда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаётган 31 нафар аскарнинг ота-оналарига эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Ички ишлар вазирлиги қўриқлаш қўшинлари Бош бошқармасининг ҳарбий қисмида ҳам «Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда» мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан қизғин қутлади ва ҳарбий қисмга қимматбаҳо совға топширди.

Санъаткорлар томонидан намойиш этилган концерт дастури барчага завқ-шавқ улашди.

●○○● ▶ 2-3

Ishonch

2015-yil 15-yanvar, payshanba, № 7 (3512), **www.ishonch-doverie.uz**, **e-mail:** xatlar@ishonch-doverie.uz

Ким эдигу ким бўлдик?

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқини телевизор орқали кузатаркан, Тоҳир отанинг қулфи дили очилгандай бўлди. Ҳақиқатан ҳам, Ватан корига яраб, унинг гуллаб-яшнашида менинг ҳам ҳиссам бор, деб тақдиридан мамнун бўлиб яшамоқ ҳаммага ҳам насиб этмас экан. Қанча ёру дўстларига бугунги дориломон кунларни кўриш насиб этмади. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, тақдир унга улуғ кунлар саодатини берди.

УЛУҒ САОДАТ

Янгиариқликлар Тоҳир ота Авезовни пири бадавлат инсон сифатида ҳурмат қилишади. 95 ёшни қаршилаган бобо билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, теран фикрларидан ҳайратга тушасиз. Ёшлиги жангу жадалларда кечган отахон тинчлик энг олий неъмат эканлигини қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан у кишини йўқлаб хонадонига бордик. Отахон фарзандлари, невара-чевараларини ишга, ўқишга кузатиб турган экан.

— Бугунги тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир, — дейди Тоҳир ота. — Кеча телевизордан Президентимизнинг сўзларини эшитдингларми? Ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, турли тўқнашувлар тинчлик ва барқарорликка қандай катта таҳдид туғдираётгани ҳақидаги фикрлари

уруш фожиаларини бошидан кечирган инсон сифатида мени ўйга толдирди. Тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда ҳар биримиз ҳушёр ва сергак бўлишимиз, ким бизга дўсту кимнинг нияти ғаразли эканлигини теран англаб яшашимиз керак.

Отахон бироз тин олиб сўзида давом этади:

— Бизнинг ёшлигимиз Иккинчи жаҳон уруши даврларига тўғри келган. Бешафқат жанг майдонларида танамиз, қалбимиз жароҳатланган. Қанча сафдошларимиз умрининг энг гуллаган чоғларида ҳаёт билан видолашди. Улар орасида ўз фарзандларининг кулгуларини кўриш насиб этмаганлари, севги шаробини тотмаганлари қанча эди.

Тоҳир Авезов умрининг 40 йилдан зиёд даврини ёш авлодга таълим-тарбия беришга сарфлади. Бугун ҳам ҳар гапида ёшларга Ватанни севиш, ардоқлаш ҳақида уқтиради.

— Истиқлол туфайли тўкин ва фаровон замонда яшаяпмиз. Бундай пайтда ҳар биримиз ўзимизга ўзимиз «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволни бериб, аниқ жавоб олишимиз керак. Биз нафақат уруш кўрганмиз, балки очарчиликни, юпунчиликни бошдан кечирганмиз. Қаҳратон қишларда йиртиқ-ямоқ пойабзалларда мактабга келган болаларни кўрганмиз. У даврлардаги мактаблар билан бугунгиларни қиёсласак, фарқ ер билан осмонча. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи жуда кам эди, дарсликлар етишмасди. Бугун-чи, ўқитувчи энг обрўли касб соҳиби саналади. Ўқувчиларнинг дарсликларини кўриб қалбим жўшиб кетади. Юртбошимиз тўғри айтди: ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, ҳамиша олдинга интилади. Ҳаёт билан ҳамқадам бўлмасак, истиқлол берган азиз онларга лоқайд ва беписанд қарасак, эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилсак, ишончим комилки, армонда қоламиз. Ҳаётнинг бу аччиқ ҳақиқатини асло унутмаслигимиз керак. Кечагина гугурт излаб дўконма-дўкон зир югурганимиз ёдимиздан чиққани йўқ. Ёки ўзимизнинг пахтадан ишлаб чиқариладиган совун, чит танқис бўлганини айтмайсизми. Бугун энг чекка қишлоқдаги дўконга кирсангиз ҳам маҳсулот тўкинлигидан кўзингиз яшнайди. Бу, албатта, мустақиллик шарофатидан.

Замонавий миллий армияга эга бўлиш нақадар катта шараф эканини биз кекса авлод вакиллари жуда яхши биламиз. Бир вақтлар ўғлонларимиз узоқ юртларда йигитлик бурчини бажариб келишарди. Уларнинг фарзандлари бугун ўз Ватанлари сарҳадларини ҳимоя қилишни шараф деб билишаётир. Ойнаи жаҳон орқали ҳарбий қисмлар ҳақидаги кўрсатувларни кўриб, ҳавасим келади. Улардаги шарт-шароитлар, ўғлонларимизнинг салоҳиятини таърифлашга сўз ожиз.

Отахон ўзини шу юрт фарзандиман деб билган ҳар бир инсон истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимиз равнақи йўлида ўз кучи ва билимини ишга солиши, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳиссасини қўшиши лозимлигини таъкидлайди.

— Бугунги дориломон кунларга етказганлиги учун шукронам чексиз, ёшларимиз ҳам шукроналик туйғуси билан яшамоғи керак. Айниқса, ўз қадр-қимматини, қандай улуғ зотларнингворислари эканлигимизни унутмаслик зарур.

Отахоннинг уйғоқ фикр-мулоҳазалари бизни янгидан-янги вазифаларни амалга оширишга илҳомлантирди. Туман кенгашимиз фаоллари Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, қолаверса, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Тоҳир ота каби пири бадавлат отахонлар, фахрий устоз ва мураббийларни тез-тез зиёрат қилишни мақсад қилган. Боиси, улардан ўрганадиганларимиз жуда кўп.

Гулистон ОТАЖОНОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгиариқ туман кенгаши раиси



АСКАР ОНАСИ

Фарзандимни ёмон кўздан асрасин дер,
Эл корига яраганнинг юраги шер.
Бахт бор Ватан қучоғида — муқаддас ер.
Аскарларнинг онасига куч-қувват бер.

Болам дея кеча-кундуз фидо бўлган,
Кўз нурини тўкиб йўлга нидо бўлган,
Эзгуликка тўла тирик дуо бўлган
Аскарларнинг онасига каромат бер.

Алпомишдек йигитларга тегмасин кўз,
Йигитликда қасам каби айтилган сўз.
Тилак бордир: эрта албат бугундан ўз —
Аскарларнинг онасига матонат бер.

Фарзандини ўстирган у юқтирмай гард,
Шу боиски, шижоатда тенги йўқ — мард,
Аждоди мард ўғлонлар мард бўлиши шарт —
Аскарларнинг онасига саодат бер.

З.ИСАЕВА,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси

Ватан – улуғ,

АРСЛОНЮРАКЛАРИ КЎП ЎЗБЕКНИНГ

Суҳбатдошимиз майор Асроржон Дўстов Қуролли Кучларимизнинг кўзга кўринган офицерларидан бири.

— Сизда бу касбга ҳавас қандай уйғонган?

— Юқори синфда ўқиётган кезларим мактабимизда курсантлар билан учрашув бўлди. Улар ҳам шу масканда ўқишган экан. Ўқитувчиларимизнинг собиқ ўқувчиларига байни улуғ меҳмонлар каби ардоқлаб муомала қилишлари ҳавасимни келтирган. Учрашув сўнгига қадар уларнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтирардим. Ўша кундан бошлаб юрагимга ўт тушди. Энди аниқ мақсадим бор: мен ҳам офицер бўламан, улар каби ўзим ўқиган мактабга келиб, шарафли бурч ҳақида, сафдошларим, устозларим ҳақида ҳикоя қилиб бераман, деб орзу қилганман.

— Интилганга толе ёр, деганларидек, орзуларингиз амалга ошибди-да?

— Ҳа, бугун мен шарафли касб эгасиман. Олий ҳарбий билим юртлари курсантларининг оддийгина анъаналари — ўзлари таълим олган мактабга келиб учрашув ўтказишлари тақдиримда муҳим аҳамият касб этган. Самарқанд олий ҳарбий автомобил муҳандислик қўмондонлик билим юртида ўқиган кезларим мен ҳам ана шундай учрашувларда қатнашдим. Мактаб ўқувчиларининг шарафли касб эгаси бўлиш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақидаги саволларига жавоб бериш асноси юрагимда ифтихор туйғуларини ҳис қилдим. Чунки бу саволлар замирида ҳарбий хизматга ҳавас, иштиёқ, меҳрни сезганман.

— Қуролли Кучларимизда эзгу анъанага айланган «Энг илғор мутахассис» танловида бир неча бор муваффақиятли қатнашган экансиз. Бундай ютуққа эришиш учун нималарга эътибор бериш зарур деб ўйлайсиз?

– Ҳар қандай ютуқ замирида меҳнат ётади. Эътибор берган бўлсангиз, қишлоқда кичкина боланинг ҳам ўзига яраша юмуши бор. Бизнинг оилада ҳам шундай бўлган. Отам ва онам болаликдан орзулар меҳнат орқали амалга ошишини ўргатишган, ўзларининг ибратли ҳаёт тарзи билан буни фарзандларига кўрсата олган.

2011 йили кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиб, «Энг илғор батарея командири» номинациясида фахрли иккинчи ўринни олдим. Бир йилдан кейин эса «Энг илғор дивизион командири» номинациясида биринчи ўринни эгалладим. 2013 йилда «Энг илғор батальон командири» номинациясида иккинчи ўринга сазовор бўлдим. Қуролли Кучлар миқёсида ўтадиган мазкур нуфузли танловда қатнашишнинг ўзиёқ кишига ғурур бахш этади, аслида.

— Кўҳна Шарқнинг ўзи каби қадим ва қадрли анъаналари кўп. Улардан бири устоз ва шогирд анъанасидир. Бу анъана Сизнинг фаолиятингизда қай даражада аҳамиятга эга?

— Устоз кўрмаган шогирд ҳар маҳомга йўрғалар, деган нақл бор. Устоз ва шогирд анъанаси миллий армиямизда ҳам мавжуд. Камтарона хизматларим эътироф этилганида айнан устозларим меҳнати юзага чиқди деб ҳисоблайман. Офицерлар Ҳожимурод Камолов, Холёр Қорабоев, Жамшид Ибрагимов каби фидойи инсонлардан бир умр миннатдорман. Ўзим ҳам ҳарбий хизматни эндигина бошлаган ёш офицерларга улар каби эътиборли, ғамхўр бўлишга, қўллаб-қувватлашга интиламан.

— Хизматдан бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?

— Бўш вақтим деярли йўқ. Имкон туғилиши билан оилам даврасига интиламан. Бадиий асарларни севиб мутолаа қиламан.

— Таътил вақтингиз қандай ўтади?

— Юртимизда жаннатмонанд гўшалар кўп. Шундай бўлса-да, мени туғилиб ўсган қишлоғим Қасноқ ўзига тортаверади. Бу қишлоқ Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида жойлашган. Унда тенгдошларим, отам, онам, қариндош-уруғлар, меҳрибон опаларим, акаларим яшайди. Улар бизни кутишларини юракдан ҳис қиламан. Ҳар гал оилам билан борганимизда, туғилиб ўсган уйим бир пасда тўйхонага айланиб кетгандек бўлади. Шундай лаҳзаларда вақт қандай тез ўтиб кетганини сезмай ҳам қоласиз.

— Инсон бахти нимада деб ўйлайсиз?

— Мен бахтни жуда оддий тушунаман. Бахт — жажжи фарзандим Ҳожиакбар, рафиқам Зуҳра, мен учун ҳамиша дуода бўлган ота-онамнинг борлиги, севимли касбимда хизмат қилаётганим, юртимизнинг осудалигидир.

— Энг олий мақсадингиз нима?

— Шарафли касбим орқали она юрт олдидаги бурчимни сидқидилдан ўташни мақсад қилганман. Энг нуфузли олий даргоҳ — Қуролли Кучлар академиясида таҳсил олиш орзуим бор.

Инобат ИБРОҲИМОВА

Ҳарбий хизмат инсонни жисмонан чиниқтирибгина қолмай, унинг маънавиятини бойитиб, дунёқарашини кенгайтиради. Қолаверса, мустақил фикрлаб, жамоа билан ишлашга ўргатади. Хизмат, аввало, масъулият деганидир. Айнан шу нарса она-Ватан олдидаги шарафли бурчни сидқидилдан адо этишга, топшириқни аъло даражада бажаришга ундайди.

МИННАТДОРМАН

Армияда дунёқарашим ўсди. Оила аъзоларим, мен учун қадрли бўлган инсонларимга меҳрим янада ортди. Туғилиб ўсган гўшам, маҳалламдан узоқда кўп нарсаларнинг қадрига етишга, уларга меҳр кўзи билан боқишга ўргандим. Қолаверса, мени жуда ташвишга солган ўйларнинг аксарияти ҳаётда у қадар муҳим эмаслиги ва ҳар қандай мақсадга меҳнат, сабр, сабот билан эришиш мумкинлигини тушуниб етдим.

Ҳарбий хизматдан уйга қайтгач, ҳар кунимни қатъий режага асосан тақсимлаган ҳолда ўтказишга аҳд қилдим. Масалан, кунлик жисмоний машғулотлар, кун сўнгида эса оммавий ахборот воситаларидан республикамиз ва жаҳонда рўй бераётган турли янгиликлардан воқиф бўлиш каби...

Орзуларим бисёр. Уларга эришишимга ишоналаман. Чунки, ҳарбий хизматни ўташ мобайнида ўз кучим ва билимимга бўлган ишончим ошди. Мустаҳкам интизомни сақлаб, мақсад сари дадил одимлаш орқали ҳар қандай маррани забт этиш мумкинлигини тушуниб етдим. Бунинг учун қадрдон армиямдан, командирларимдан миннатдорман.

Элбек УСМОНОВ,
оддий аскар

КАСАБА УЮШМАЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари Учтепа туман кенгаши томонидан ҳам Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ўрикзор савдо комплекси» масъулияти чекланган жамиятида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика телевидениесининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков сўзга чиқиб, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг тарихи ва айни вақтда қўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисида сўз юритди.

***

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Чирчиқ шаҳридаги Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда маданий-маърифий тадбир уюштирилди.

Унда Ватан ҳимоячиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Мудофаа вазирлиги тизимида ишлаб, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган 20 нафар ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ва ногиронлик олганларга манзилли ёрдам кўрсатилди.

***

Андижон вилоятидаги ҳарбий қисмларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб турли маданий-маърифий тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Булоқбоши туманидаги Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ўтказилди. Унда сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

— Ҳарбийларнинг ижтимоий муҳофазаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор, — дейди бирлашма кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ферузахон Қурбонова. — Жумладан, меҳнат муносабатлари, тиббий хизмат сифати, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу куни ҳарбий қисмга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан телевизор ҳамда хизмат бурчини бажаришда бошқаларга намуна бўлаётган йигитларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирлар доирасида хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган 17 нафар ҳарбийнинг оила аъзоларига ҳам касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан моддий кўмак пуллари тарқатилди.

***

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 23 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Шимолий Ғарбий ҳарбий округида бўлиб ўтган тадбирда мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида профессионал армиямизнинг куч-қудрати йил сайин ошиб бораётгани, миллий армиямиз сафида хизмат қилишни ўзига шараф деб билувчи ёшларимиз сафи кенгаяётгани эътироф этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа Ишлари бошқармасида ўтказилган байрам тантанасида тизим фахрийлари ва ҳозир ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ўн нафар ҳарбийга республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан байрам совғалари топширилди.

Шу куни ўтказилган акция доирасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатган биринчи гуруҳ ногирони Х.Жумоновнинг оиласига КУТБК томонидан манзилли ёрдам кўрсатилди.

***

Сирдарё вилоятида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тадбир Гулистон шаҳридаги Хотира майдонидан бошланди.

Тадбирни вилоят ҳокими Ойбек

2015-yil 15-yanvar, payshanba, № 7 (3512), **www.ishonch-doverie.uz**, **e-mail:** xatlar@ishonch-doverie.uz

бурчим муқаддас

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Пойтахтимиздаги “Ватанга қасамёд” монументи пойига ҳам тантанали гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу монументда азамат ўғлон давлатимиз байроғини кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани ифода этилган. “Ватанга қасамёд” монументи Ватан ҳимоячиларининг жасорати ва шон-шарафининг ёрқин тимсоли, халқимизнинг уларга бўлган ҳурмати ва меҳр-муҳаббати ифодасидир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиги, таъминоти ва маҳоратини ошириш, армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг самарасида ихчам ва тез ҳаракатланадиган профессионал миллий армиямиз шакллантирилди. Бугунги кунда ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки шон-шараф ишига, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталиги кафолатига айланди.

— Бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз, — дейди II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаб бошқарма бош муҳандиси, подполковник Б.Кайимов. — Барчамизни мамлакатимизга хизмат қилиш, уни турли таҳдидлардан асраш, Ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш истаги бирлаштириб туради. Шу боис Ватанимиз олдидаги ўз бурчимизни шараф билан адо этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этмоқдамиз. Юртдошларимиз доимо мусаффо осмон остида, фаровон ва гуллаб-яшнаётган мамлакатда бахтли ҳаёт кечирсин.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ, олган суратлар



Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Чинобод” санаторийсида “Аскар оналарини шарафлаймиз!” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

ХУШ КАЙФИЯТДА

Тадбирда Юнусобод тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Н. Абдураҳимова, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Искандар Раҳмон, санъаткорлар, 23-”Меҳрибонлик” уйи тарбияланувчилари, 258-умумтаълим мактаби ўқувчилари, санаторий ходимлари ва дам олувчилар иштирок этди.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирга бу йил уч авлод вакилларини таклиф этдик, — деди “Чинобод” санаторийси бошқаруви раиси М.Мадаминова. — Ватанимиз посбонлари давлатимиз сарҳадларини мардонавор қўриқлашмоқда. Мард ўғлонларни тарбиялаб, вояга етказган оналарни ардоқлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

— Дадам ва амакиларим урушда қатнашган. Шунинг учун тинчлик қадрини яхши тушунаман. Тинч-осойишта замонда хизмат бурчини адо этаётган ўғилларимизга ҳавас қиламан, — деди тадбир иштирокчиси Машҳура Турғунова.

Тадбир куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Ваҳобжон ТОЖИЕВ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

ЭЪТИБОР

Жумладан, фоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари шифокорлари жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари билан ҳамкорликда республикамиздаги 86 та ҳарбий қисмда 7869 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказди.

Шунингдек, фонд томонидан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий қисмларда «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзуида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилаётир. Шундай тадбирлар Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ҳам ташкил этилди. “Ўзбегим ёшлари” гуруҳи ҳамда таниқли санъаткорларнинг жозибали куй-қўшиқлари ҳарбий хизматчилар ва курсантларга байрамона кайфият бахш этди.

Ўз мухбиримиз

ҲАЯЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ватан ҳимоячилари куни арафасида Андижон-Гулистон телекўприги ташкил этилди. Бобур номидаги вилоят театрининг байрамона безатилган залига Андижонда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган сирдарёлик йигитлар, аскар оналари, мутасадди ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тўғридан-тўғри жонли мулоқот йўлга қўйилганлиги фарзандларини кўриб турган оналар қалбини ҳаяжонга солди.

Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида миллий армиямиз шаклланганлиги, яратилган шарт-шароитлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш йўлидаги ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Соғлом, баркамол фарзандларни улғайтираётган оналарга эҳтиром билдирилиб, совғалар топширилди.

Телемулоқотда сирдарёлик иштирокчилар учун Андижондаги ҳарбий қисмлар аскарлари ҳаёти акс этган видеоролик намойиш қилинди. Жонли мулоқотда ўнлаб оналар фарзандлари билан дийдорлашиш имкониятига эга бўлди.

— Андижонда йигитлик бурчимни ўтаяпман, — дейди гулистонлик Аббосбек Ҳусаинов. — Тадбир ташкилотчиларига минг раҳмат.

— Бундай жонли мулоқот ота-оналарнинг кўнглини тоғдек кўтарди, — дейди марҳаматлик Буойшахон Тўланова. — Сирдарёда хизмат қилаётган ўғлим Аҳрорбек билан юз кўришганимдан бошим кўкка етди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Дилшодахон Ҳайдарова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раиси Ҳаётхон Ортиқбоева, «Нуроний» жамғармаси Андижон шаҳар кенгаши раиси Тўрахўжа Раҳматжонов, муддатли ҳарбий хизмат даврида қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини қўлга киритиб, имтиёз асосида Тошкент давлат стоматология институти Андижон филиалида таҳсил олаётган Шерозбек Тўйчиев ва бошқалар сўз олиб, тинчлигимиз посбонлари шаънига илиқ фикрлар билдиришди.

Андижон гарнизони бадиий жамоаси, «Мерос» ансамбли ҳамда Андижон санъат коллежи ўқувчилари ижросидаги куй-қўшиқлар, саҳналаштирилган мусиқий композициялар, Сирдарёда хизмат қилаётган аскарларнинг жанговар кўринишдаги чиқишлари даврага файз бағишлади.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
“Ishonch” мухбири

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Ашурматов очди. Бугунги нурли кунларга етганча босиб ўтилган йўл, мустақил Ватанимиз тинчлиги ҳимоясини шараф билан адо этаётган ҳарбийлар фидойилиги ҳақида гапирилди. Жондан азиз фарзанди эл тинчлиги йўлида ҳалок бўлган оналар тимсоли — «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Байрам тадбири Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номли мусиқали драма театри биносида давом этди. Ҳарбий қисмлардан таклиф этилган зобит ва аскарлар вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар билан тақдирланди. Театр жамоаси томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Шу куни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари хизмат чоғида ҳалок бўлган ҳарбийлар — янгиерлик Алишер Салимов, Сирдарё шаҳридан Эломон Отажонов, сайхунободлик Хайрулло Бозоров хонадонларида бўлишиб, уларнинг ота-оналарига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг совғаларини топширди.

Шунингдек, Гулистон шаҳрида жойлашган, Миллий хавфсизлик хизматига қарашли иккита ҳарбий қисмда ҳам байрам тадбирлари ўтказилди. Қисмлар кутубхоналарига ВКУТБнинг совғаси — бадиий адабиётлар тўпламлари совға қилинди.

***

Қашқадарё вилоятида ҳам Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда. Жумладан, Жанубий-Ғарбий мудофаа округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактабида маданий-маърифий тадбир уюштирилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан 20 нафар ҳарбий хизматчига эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

Қарши давлат университети талабалари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари ва маданий дастур барчага хушнудлик улашди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги Жанубий-Ғарбий мудофаа округига қарашли ҳарбий қисмда “Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов иштирок этиб, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган ҳарбий хизматчиларни байрам билан қутлади.

Шунингдек, касаба уюшма фаоллари Нишон тумани Нуристон қўрғонидаги ҳарбий қисмларда бўлишиб, аскарлар билан учрашди. Бундан ташқари, бирлашма кенгаши томонидан Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ҳарбий соҳада кўп йиллар меҳнат қилган 10 нафар фахрийга совға улашилди.

Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда жонини фидо қилган Отабек Муҳаммадиевнинг оиласига (Китоб тумани) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан манзилли ёрдам кўрсатилди.

Ўз мухбирларимиз

***

Навоий шаҳар “Спутник” қўрғонидаги ҳарбий қисмда “Ватан — улуғ, хизмат — бурчим” мавзуида маданий тадбир ўтказилди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳарбийларга совғалар улашилди.

Шунингдек, Навоий кончилик коллежида “Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси” деб номланган видеомулоқоти ўтказилди. Видеомулоқот орқали. 60 дан ортиқ оналар хизмат бурчини аъло даражада ўтаётган аскар фарзандлари билан гаплашди.

Норимхол НУРМОНОВА,
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

***

Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Хоразм ҳудудий касаба уюшма қўмитаси томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб маданий-маърифий тадбир ташкил қилинди. Унда Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Хоразм ҳудуди бошлиғи Жаҳонгир Якубов жамоани байрам билан қутлаб, Ватанни ҳимоя қилиш, унинг қудратини оширишга ҳисса қўшиш шарафли бурч эканини таъкидлади.

Байрам муносабати билан спорт мусобақалари ҳам уюштирилди. Эркаклар стол тенниси ва аёллар шашка бўйича ўзаро куч синашди. Ғолиблар Урганч темир йўл масофаси касаба уюшмаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Илҳом РАҲИМОВ,
Қўнғирот минтақавий темир йўл узели ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун **«Жамият ва мен»** танловини эълон қилади.*

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов йўналишлари

-Энг яхши ёритилган «ижтимоий мавзулар»;
-Энг яхши ёритилган «иқтисодий мавзулар»;
-Энг яхши ёритилган «тарих ва маданият мавзулари»;
-Энг яхши ёритилган «сиёсий мавзулар»;
-Энг яхши ёритилиган «ҳуқуқий мавзулар»;
-Энг яхши ёритилган «илмий-техника мавзулари»;
-Энг яхши ёритилган «спорт мавзулари»;
-Энг яхши ёритилган «ижтимоий шериклик мавзулари»;
- Энг яхши ёритилган «жамоатчилик назорати мавзулари».

Махсус номинациялар:

- «Ўз замонасининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши материал;
- «Янги авлод» мавзусида энг яхши материал.

Танлов шартлари

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2014 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида *(фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси)* маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2015 йилнинг 4 февралига қадар қабул қилинади.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, ноутбук, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва мен танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига, қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, e-mail:fonduz@umail.uz.

Ташкилий қўмита

«ЭЪТИРОФ»

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, жамият янгиланишидаги жараёнларни ёритиш, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, ОАВ нуфузини ошириш ва журналистларнинг касбий маҳорати ўсишига кўмаклашиш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари журналистлари, шунингдек, блогерлар ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов номинациялари:

-энг яхши босма ОАВ журналисти
- энг яхши йил фотосуратчиси
- йил дебюти (илк бор ўзини танитган)
- энг яхши тармоқ ОАВ журналисти
- энг яхши йил блогери
- энг яхши ҳудудий газета

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари

Тақдим қилинган ижодий ишлар 2014 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январигача бўлган даврда босма ва интернет нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Ғолиблар қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

- мавзунинг жамиятда аҳамиятга моликлиги, долзарблиги ва материал мазмуни;
- ёритишдаги маҳорат;
- материални тақдим этиш шаклларининг янгилиги, ўзига хослиги ва ифодалилиги. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган таҳририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

Ғолибларни тақдирлаш

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар 2015 йил 4 февралигача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона.

Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz,e-mail:fonduz@umail.uz.

Ташкилий қўмита.

Ishonch

2015-yil 15-yanvar, payshanba, № 7 (3512), **www.ishonch-doverie.uz**, **e-mail:** xatlar@ishonch-doverie.uz

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан ташкил этилган эди. Банк хизматлари бозоридаги қарийб 10 йиллик фаолияти давомида Ипотека-банк кенг тармоқли хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд универсал, мамлакатимиздаги энг йирик банклардан бирига айланди. Халқаро рейтинг агентликлари – “Moody’s Investors Service” ҳамда “Standard & Poor’s” томонидан Ипотека-банкка “Барқарор” прогнозли рейтинги берилган. Ипотека-банк Россиянинг “РИА Рейтинг” агентлиги томонидан эълон қилинган “МДҲ мамлакатларининг 200 та энг йирик тижорат банклари рўйхати”га ҳам киритилиб, ушбу рўйхатдаги юртимиз банклари ичида эса 4-ўринни эгаллагани бежиз эмас.

ИПОТЕКА-БАНК:
Дастурлар ижроси амалда

Ипотека-банк Ўзбекистонда уй-жой қурилишини молиялаш ва ипотека кредитлари бериш бўйича етарли тажриба орттирган молия муассасаси ҳисобланади. Айни пайтда банкнинг республикамизда 37 та филиали, 116 та минибанк, 510 дан ортиқ жамғарма ва коммунал кассалар юридик ва жисмоний шахсларга кенг турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда.

2015 йил 1 январ ҳолатига Ипотека-банкнинг устав капитали 181,5 млрд. сўмга, кредит портфели 2,5 трлн. сўмга етди. Банкнинг депозит базаси қарийб 1,8 трлн. сўмни ташкил қилиб, шу жумладан, аҳоли омонатлари 473,3 млрд. сўмга етди.

Банк пластик карточкалар бозоридаги пешқадамлик мавқеини сақлаб, карточка эгаларига нақдсиз тўлов шаклида кўрсатиладиган хизматлар доирасини амалга ошириб келмоқда. Мижозлар учун хизматлар жозибадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига бўлган кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида, банк мунтазам равишда пластик карточкалар бўйича хилма-хил янги хизмат турларини ишлаб чиқиб, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантирмоқда. Шунга кўра, 2015 йил 1 январ ҳолатига банкнинг муомаладаги пластик карточкалари сони 1 миллион 234 мингдан ортиқни ташкил этди. 17490 га яқин савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу терминаллар орқали янги “он-лайн” карточкаларидан тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Бу Ипотека-банк фаолиятининг бир қисмини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Аслида, бугунги Ипотека-банк юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижросини амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган муассасалардан ҳисобланади. Келинг, шу ўринда юртимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк томонидан олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтсак.

Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшаси, хатто, энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам замонавий, қулай ва кўркам турар жойлар барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида ана шундай бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ кўплаб замонавий турар жой масканлари бунёд этилди. Улар сонини янада ошириш мақсадида Ипотека-банк вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳрида 47 та кўп қаватли уй қурилишини молиялаштирмоқда. Ушбу мақсад учун 169,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Айни вақтда жами 480 хонадонли 13 та турар жой фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳридаги 26 хонадонли, Урганч шаҳридаги 116 хонадонли, Самарқанд шаҳридаги 100 хонадонли, Фарғона шаҳридаги 12 хонадонли, Нукус шаҳридаги 88 хонадонли, Бухоро шаҳридаги 2 та 96 хонадонли, Қарши шаҳридаги 2 та 42 хонадонли уй-жойлар шулар жумласидандир.

Ҳозирда 33 та, жами 1046 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиши давом этмоқда. Бундан ташқари, Ипотека-банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 70-сонли топшириғига асосан, 7 та 368 хонадонли “Камолот” уйлари қурилиши молиялаштирилаётир. Булар Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Асака ва Балиқчи туманларида 3 та 144 хонадонли, Бухоро вилоятида Бухоро, Когон шаҳарларида ва Ғиждувон туманида 3 та 192 хонадонли, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида 1 та 32 хонадонли уйлар. Шундан Андижон шаҳридаги 1 та 48 хонадонли уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу уйлар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ёш оилаларга “Камолот” уйлари сифатида ипотека кредити асосида берилиши режалаштирилган.

Шунингдек, ёш оилаларнинг мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олишини қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим омил бўлаётир. Унга кўра, ўтган йил давомида банк филиаллари томонидан қарийб 1700 дан ортиқ оилага жами 160,4 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Шундан 275 та оилага жами 27,3 млрд. сўм ипотека кредитлари янги қурилган кўп қаватли турар жой биноларидаги квартираларни сотиб олиш учун йўналтирилди. “Соғлом бола йили” дастури бўйича Ипотека-банк томонидан 2014 йилда 450 та ёш оилага 41,9 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Биз танлаган йўл — тараққиётнинг “ўзбек модели”, инсон манфаатларини кўзлаган ислоҳотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, шаҳару қишлоқларни обод этиш замирида оилавий бахт, мустаҳкам оиланинг барқарор бўлишидек эзгу мақсад мужассам. Ипотека-банк шаҳар ҳудудларида кўп қаватли турар жойлар қуриш билан бирга 2013 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш дастурлари ижросида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида”ги 2013 йил 15 ноябрдаги қарорига асосан, Ипотека-банк республикамиз қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириб келаётир. Жумладан, Давлат дастурига кўра, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ипотека-банкнинг вилоятлардаги филиаллари орқали 2014 йилда республикамизнинг 16 та туманида 44 та ер массивларида намунавий лойиҳалар асосида жами 1000 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши амалга оширилди. Шунингдек, 2015 йилда Ипотека-банк томонидан қурилиши режалаштирилаётган 2144 та намунавий уй-жой бўйича 96,5 млрд. сўм миқдорида бошланғич бадалларни шакллантириш режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишларни ўтган йиллардагидан ҳам самаралироқ бажариш чоралари кўрилмоқда.

* * *

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи мавқе эгаллайди. Шу боисдан, ушбу соҳани ривожлантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Зеро, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар юртимиз ялпи ички маҳсулотида салмоқли ўрин тутади. Айнан шунинг учун ушбу соҳага ажратилаётган кредитлар корхона фаолиятини ривожлантириш ҳамда кўплаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилаётир. Ўтган йили тадбиркорларга қарийб 662,3 млрд сўм кредит ажратилди. Ипотека-банкнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтириладиган микрокредитларига талаб катта. Зеро, тадбиркорликни изга солиш учун зарур бошланғич сармоянинг банк томонидан берилиши кичик корхоналар очишда қўл келиши шубҳасиз. Шу мақсадда, 2015 йил 1 январ ҳолатига банк томонидан умумий суммаси қарийб 161,5 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Натижада, берилган кредитлар ва микрокредитлар эвазига қарийб 15700 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Кредитлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатлари билан муҳим бўлган йўналишларда ажратилмоқда. Масалан, банк филиаллари орқали аёллар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш учун қарийб 75 млрд. сўмлик кредитлар ажратди. Саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришда, иқтисодиётнинг аксарият улуши қишлоқ хўжалиги билан боғланиб қолган вилоятларда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун 162 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш учун 107 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар берилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қарийб 97 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилиши аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, халқимизда ишбилармонлик кўникмаларини мустаҳкамлаш, барча ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётидаги каби, Ўзбекистонда ҳам ўрта синфни мустаҳкамлашда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 8,3 млрд. сўмга яқин маблағ, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳалари учун қарийб 15,5 млрд. сўм, ёш оилаларга ўз бизнесларини ташкил қилиш учун эса 10 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди.

Юртимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишда банкларнинг капиталлашув даражаси муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, Ҳукумат томонидан мазкур масалада бир қатор қарорларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётгани хорижий ва маҳаллий сармояларни жалб этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса тижорат банкларининг корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қўл келади.

Тижорат банки капиталининг доимий ўсиши хорижий банкларнинг ишончини қозониш имкониятини яратади. Бу ўз-ўзидан мамлакатимизга янада кўпроқ миқдорда хорижий банкларнинг маблағлари жалб қилинишини таъминлайди.

Инвестиция дастури доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнида банкларнинг молиявий кўмаги катта бўлмоқда. Банк ҳам бу борада етарлича сармоя йўналтириб, ишлаб чиқариш жараёнининг кенгайиши, корхоналар фаолиятининг юксалишига йил сайин кўпроқ ҳисса қўшяпти. Ипотека-банк ўз салоҳиятига кўра, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаш имкониятига эга. 2014 йилда банк фаолиятида инвестицион лойиҳаларни кредитлаш ишларини давом эттирди. Жумладан, банк томонидан ўтган йили 624,1 млрд. сўмлик инвестицион характерга эга бўлган кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган 2014 йил Инвестиция дастурига Ипотека-банкнинг асосий мижозлари Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Ўзметкомбинат ва бошқа соҳадаги мижозлар томонидан амалга оширилаётган жами 959,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 22 та лойиҳа киритилган. Жумладан, “Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати”нинг жами 845,6 млн. долларлик 14 та лойиҳасидан 11 таси бўйича молиялаштириш очилган.

Ушбу молиялаштириш очилган лойиҳалар бўйича банк томонидан жами 252,6 млн. долларлик кредитлар ажратилди. 2014 йил давомида “Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати”нинг еттита лойиҳаси, хусусан, “Жиззах вилоятида портланд цемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш” ва “Ангрен марказий индустриал зонасида турли диаметрдаги мис трубалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳалари фойдаланишга топширилди.

Яна бир лойиҳа банкнинг йирик мижозларидан бири бўлган “Ўзбекистон металлургия комбинати”нинг лойиҳасидир. Тошкент вилоятида банк кредити ҳисобига амалга оширилаётган “Базальт асосида иссиқлик сақлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси бўйича 10,4 млн. АҚШ долларилик кредит линияси очилган бўлиб, ўтган йил якунига ушбу маблағ тўлиқ ўзлаштирилди. Ушбу лойиҳа 2014 йилнинг декабр ойида фойдаланишга топширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Ипотека-банк томонидан юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшадиган ҳар бир лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса халқ фаровонлиги, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш, нархнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Тадбиркорлар ва банкнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги “банк мижоз учун” тамойилининг яна бир амалий ифодасидир.

БАНК САРМОЯСИ ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ БЎЛМОҚДА

Пухта ишланган бизнес режа тадбиркорлик фаолиятининг бошланғич асосини ташкил этса, мазкур фаолият учун тикиладиган сармоя унинг ҳаракатлантирувчи кучи саналади. Бу борада эса мамлакатимизда биз тадбиркорлар учун қатор имкониятлар, қулайлик ва имтиёзлар яратилган. Молия муассасалари томонидан тақдим этилаётган сифатли банк хизматлари, хусусан, имтиёзли шартларда ажратилаётган кредит маблағлари эвазига юртимиз ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришида реал секторнинг улуши йил сайин ортиб бормоқда.

Биз ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “EXPRESS COMFORT MEBEL” корхонаси фаолиятини йўлга қўйдик. Албатта, кўзлаган мақсадимизга эришиш учун бизга молиявий кўмак зарур эди. Шу боис, “Ипотека-банк”нинг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат этдик. Бизнес режамиз банк ходимлари томонидан маъқулланди. Молия муассасаси корхонамиз фаолияти учун керакли бўлган 210 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағини қисқа муддатда расмийлаштирди. Ажратилган мазкур сармоянинг 180 миллион сўми эвазига етти турдаги замонавий ускуналар харид қилган бўлсак, 30 миллион сўмини хомашё материаллари учун сарфладик.

Ҳозирда фаолият йўналишимиздан келиб чиқиб, мебел ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, ёғоч материалларни қайта ишлаш ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларни сотишга доир ишлар билан шуғулланяпмиз. Ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида ташкил этганлигимиз муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Барча турдаги маҳсулотларни бозор талаб ва таклифларини ўрганган ҳолда тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз.

Ўтган 8 ой мобайнида масъулияти чекланган жамиятимиз томонидан 180 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот харидорларга етказиб берилди. Ушбу йўналишда аҳолига хизмат кўрсатиш борасида ҳам қатор ижобий натижаларни қўлга киритаётирмиз. Корхонани ишга тушириш орқали 22 кишини иш билан таъминлашга муваффақ бўлдик. Эътиборлиси, уларнинг 8 нафари ўзим каби касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Демак, бошлаган тадбиркорлик фаолиятимиз шунча оиланинг моддий фаровонлигини оширишга, шунингдек, қўплаб ёшларнинг ишли ва ҳунарли бўлишига хизмат қилмоқда.

Келгусида корхонамиз фаолият турларини янада кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқарилишини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш режамиз бор. Жумладан, Қарши шаҳрида замонавий кўринишдаги ишлаб чиқариш биносини барпо этиш, юқори унумли ускуна ва технологияларни келтириш эвазига мавжуд қувватни бир неча баробарга ошириш, янги иш ўринлари ҳамда ишчи-хизматчилар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш каби аниқ мақсадга йўналтирилган вазифалар истиқболдаги режаларимиз асосини ташкил этади.

Олдимизга қўйган ушбу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳам доимий ҳамкоримиз — Ипотека-банкнинг бизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашига, шу орқали иқтисодий кўрсаткичларимизнинг янада мустаҳкамланишига ишонамиз.

Яйра РАҲИМОВА,
Қарши шаҳридаги
“EXPRESS COMFORT MEBEL”
МЧЖ раҳбари

“БАХТ — ҲАРАКАТ МЕВАСИ”НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Боғот боғлари мевасининг таъми ва сифати азалдан маълум. Туманимизда боғдорчилик билан бир қаторда полизчилик, сабзавотчилик ҳам ривожланган. Жумладан, Деҳқонбозор қишлоғида узумчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида тонналаб маҳсулот етиштирилади.

Айни шу омилларни ҳисобга олиб, “Бахт — ҳаракат меваси” масъулияти чекланган жамиятимизни янада ривожлантириш мақсадида Ипотека-банкнинг молиявий кўмаги билан ўтган йили 500 тонналик сиғимга эга бўлган музлаткич омборхонасини ишга туширган эдик. Дастлабки йилда музлаткичда 2,1 миллиард сўмликдан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини сифатли ҳолда сақлаб, аҳолига қиш ва баҳор ойларида ҳам арзон нархларда етказиб бердик.

Фаолият кўламини янада кенгайтириш мақсадида сиғими 1000 тонналик музлаткич барпо этиш, мева, сабзавот маҳсулотлари учун хориждан пластмасса қутилари ишлаб чиқариш технологияси ускуналари келтириб ўрнатиш, шунингдек, “ISUZU” русумли юк ташиш автомашинаси сотиб олиш учун 1 млрд. 241,6 миллион сўм миқдорида кредит ажратишни сўраб қилган мурожаатимиз Ипотека-банк томонидан ижобий ҳал қилинди.

Натижада, хорижлик ҳамкорлар билан минг тонналик музлаткич ва пластмасса қутилари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланиб, Мустақиллик байрами арафасида музлаткич ва мева-сабзавот маҳсулотлари учун қутилар ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширдик. Энг муҳими, боғотлик 12 нафар ёш муқим иш ўрнига эга бўлди.

Бахтиёр МАТЁҚУБОВ,
“Бахт — ҳаракат меваси”
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари

2015-yil 15-yanvar, payshanba, № 7 (3512), **www.ishonch-doverie.uz**, **e-mail:** xatlar@ishonch-doverie.uz

Таълим муассасаларида

Юртимизда ёшларни ўзлари қизиққан ихтисосликларга ўқитиш, бу орқали уларнинг бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Турли соҳалар бўйича замонавий мутахассислар тайёрланаётган касб-ҳунар коллежлари ушбу мақсадга хизмат қилаётир. Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи шундай таълим муассасаларидан.

ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИ

Ўқув маскани тарихига назар ташласак, у 1977 йили Тошкент трактор заводи қошида «176-сонли ГСПТУ» тарзида ташкил этилиб, асосан завод учун мутахассислар етказиб берган. Мустақиллик йилларида бу ерда замонавий ўқув технологиялари жорий этила бошланди. 1990 йилдан Машинасозлик бўйича Республика ўқув ишлаб чиқариш маркази сифатида фаолият кўрсатган муассасага 1997 йили Машинасозлик бўйича касб-ҳунар лицейи мақоми берилди. 2000 йилга келиб эса билим маскани капитал таъмирланиб, Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Бир йилдан сўнг коллежнинг иккинчи ўқув корпуси ҳам ишга туширилиб, таълим жараёнини олиб бориш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Ўтган йиллар давомида ёшларга касб-ҳунар сирларини пухта ўргатишни такомиллаштириш йўналишида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2003 йили Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат педагогика ва Тошкент давлат техника университетлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, семинарлар ташкил этилди. Шу йили Буюк Британия кенгаши билан пайвандлаш соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ана шундай алоқалар йўлга қўйилди. 2010 йилдан эса Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

752 нафар ёш таҳсил олаётган коллежимиз икки йил олдин мукаммал таъмирдан чиқарилди. Кимё, физика хоналари ва лабораториялари жиҳозлар билан таъминланган. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда таълим сифатини оширишга ҳаракат қилинаяпти.

Дарҳақиқат, коллеж директори Мухтор Айтходжаев бошчилигида ёшларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда ўзбек тили ва хорижий тиллар фанлари, аниқ ва ижтимоий фанлар, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари, махсус техника фанлари, жисмоний тарбия ва ЁЧҚБТ фанлари, ишлаб чиқариш таълими усталари



кафедралари фаолият кўрсатаяпти. Ҳар бир кафедра янги педагогик технологиялар асосида фанларни ўқитишни ташкил этиш бўйича ўқув-услубий ишларни такомиллаштирмоқда.

Ахборот-ресурс марказидан эса ўқувчиларнинг қадами узилмайди. Бу ерда касбий фанлар бўйича китобларнинг етарлилиги, электрон дарсликлардан фойдаланиш имконияти борлиги улар учун айни муддао. Жумладан, умумий китоб фонди 72110 тани ташкил этиб, шундан 45451 таси умумтаълим адабиётлар, 14868 таси махсус фан адабиётлари, 2967 таси сиёсий адабиётлар, 5917 таси бадиий адабиётлар ва 2907 таси бошқа қўлланмалар ҳисобланади.

Таълим сифати юксалиши коллеж ўқувчиларининг кўплаб ютуқларни қўлга киритишида муҳим омил бўлди. Жумладан, 2009 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган «Касб маҳорати» Республика танловида «Пайванд конструкциялар ишлаб чиқариш» номинацияси бўйича коллеж ўқувчиси Раҳматжон Абдувалиев биринчи ўринни эгаллаб, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 1-даражали дипломи ва эсдалик совғаси билан тақдирланди. Кейинги йили эса коллежнинг яна бир ўқувчиси Фарҳод Собиров шундай эътирофга сазовор бўлди. 2013 йили ушбу танловнинг Тошкент шаҳар босқичида Асин Тулаев 1-, Шамил Вагизов 3-ўринни қўлга киритди.

Албатта, бунда тажрибали ва маҳоратли устозларнинг хизмати катта. Ушбу таълим масканида узоқ йиллардан буён ёшларга касб-ҳунар сирларини пухта ўргатиб, етук мутахассислар тайёрлашга катта ҳисса қўшиб келаётган фидойи касб эгалари борлиги ҳам жамоанинг ютуғидир.

1984 йилдан буён шу масканда таълим устаси лавозимида меҳнат қилиб келаётган Бобоёр Болтаев ҳақида шундай фикр билдириш мумкин. Фаолияти давомида у қанчадан-қанча шогирдлар етиштирмади дейсиз. Кўпчилиги бугунги кунда турли соҳаларда ишлаб келишаётир. Уларнинг ютуқлари ҳақида эшитиб қолганда Бобоёр ака терисига сиғмай кетади. Жонкуяр устоз бугун ҳам ёшлик ғайрат-шижоатини йўқотмаган. Ёшлар билан ишлашни ёқтиради. Ўз билим ва тажрибасини уларга ўргатишдан бир зум ҳам чарчамайди.

«Дўстлик» ордени соҳиби Сергей Сосин ҳам ёшлардан бор меҳрини аямайдиган устоз. Унинг ўқув даргоҳида ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. 2004 йили «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлган. Ҳозирда ишлаб чиқариш таълими устаси сифатида ўқувчиларга пайвандлаш йўналиши бўйича ишлаб чиқариш амалиётидан дарс бериб келаётир.

Дарвоқе, бугунги кунда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ўқувчилар «ТТЗ металл», «Класс» қўшма корхоналари, Тошкент трактор заводи ва қатор кичик корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташяпти. Улар орасидан иқтидорлилари саралаб олиниб, ушбу корхоналарга ишга қабул қилинмоқда.

Амалиёт пайтида билимли, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари бўлган ёшлар ва коллежни тамомлаб, ишга жойлашган битирувчиларга касаба уюшмаларининг имтиёзи жорий этилган. Жумладан, касаба уюшма ҳисобидан ўтган йили амалиёт ўтаган 4 нафар ўқувчига моддий кўмак берилди.

Ёшларга яратилаётган бундай имкониятлар замирида уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, юрт тараққиётига ҳисса қўшувчи инсонлар этиб етиштириш мақсади кўзланган. Бу йўлда олиб бораётган фаолиятимиз самарасини янада юксалтиришга ҳаракат қиламиз.

Гулшод ҚУЛМИРЗАЕВА,
коллеж ўқитувчиси

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Давлат ташкилотида ишлайман, фарзандим уч ёшга тўлмаган. Менга нисбатан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши мумкинми?

Н. ХОЛБОЕВА,
Қарши шаҳри

Жавоб: Меҳнат кодексининг 228¹-моддасига асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади. Уларга ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда ҳақ тўланади.

Савол: Олий таълим муассасаларида ўқийдиган талабалар қандай ҳолларда ва қанча муддатга академик таътил олишлари мумкин?

Т.НОСИРОВ,
Тошкент шаҳри

Жавоб: 2010 йил 4 сентябрда Адлия вазирлиги томонидан 2138-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда болаларни парвариш қилиш учун академик таътил олиш ҳуқуқига эга.

Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қуйидаги муддатларга берилади:

ҳарбий хизматни ўташ учун – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;

саломатлигини тиклаш учун – 12 ой муддатга;

ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига.

Биринчи курс талабаларига академик таътил, истисно тариқасида, фақат уларнинг касаллиги туфайли берилиши мумкин.

Саволларга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти Д.МУҲАМЕДАЛИЕВА жавоб берди

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ,КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи: ЛОТ-4

ЛОТ 4.1. «Фарғона вилояти, Бешариқ тумани Қоражийда ҚФЙ Намуна қишлоғидаги 31 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **104 376 862 сўм ҚҚС сиз, 125 252 234 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 4.2. «Фарғона вилояти, Боғдод тумани Қароқчитол ҚФЙ Қоровултепа қишлоғидаги 10 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **128 638 773 сўм ҚҚС сиз, 154 366 528 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 4.3. «Фарғона вилояти, Боғдод тумани Ултарма ҚФЙ Қўштегирмон қишлоғидаги 14 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш»
Бошланғич нархи — **138 250 289 сўм ҚҚС сиз, 165 900 347 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 4.4. «Фарғона вилояти, Қува тумани Байналмилал ҚФЙ Қалинпўстин қишлоғидаги 17 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш»
Бошланғич нархи — **151 180 515 сўм ҚҚС сиз, 181 416 618 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 4.5. «Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани Олтиариқ ҚФЙ Олтиариқ қишлоғидаги 13 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш»
Бошланғич нархи — **104 559 474 сўм ҚҚС сиз, 125 471 369 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 4.6. «Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани Полосон ҚФЙ Полосон қишлоғидаги 8 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **175 358 438 сўм ҚҚС сиз, 210 430 125 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 4.7. «Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани Қапчуғай ҚФЙ Қапчуғай қишлоғидаги 23 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **175 776 388 сўм ҚҚС сиз, 210 931 665 сўм ҚҚС билан.**
Муддати — **01.08.2015йил.**

ЛОТ 5

ЛОТ 5.1. «Фарғона вилояти, Фарғона тумани Чекшура ҚФЙ Илғор-3 қишлоғидаги 100 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **348 480 729 сўм ҚҚС сиз ; 418 176 875 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 5.2. «Фарғона вилояти, Фарғона тумани Чекшура ҚФЙ Илғор-4 қишлоғидаги 240 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **577 601 187 сўм ҚҚС сиз; 693 121 424 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 5.3. «Фарғона вилояти, Фарғона тумани Миндонобод ҚФЙ Миндонобод қишлоғидаги 100 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **264 225 945 сўм ҚҚС сиз; 317 071 134 сўм ҚҚС билан.**
Муддати: — **01.08.2015 йил.**

Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади,500 млн.сўмгача факат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37, тел: (0 595) 401-52-05.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-уй манзилида ўтказилади. Хизматлар лицензияланган.

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Қуролли кучларнинг командирлар таркибидаги ҳарбий хизматчи. **2.** Ўзбекистоннинг жанубий чегара ҳудуди, ҳарбий округ жойлашган вилоят маркази. **3.** Олий қўмондонлик таркибига бериладиган ҳарбий унвон. **4.** Ватанимиз ҳарбийлари фаолияти ёритилган телесериал. **5.** Радио орқали хабарлар узатувчи ва қабул қилувчи мутахассис. **6.** Мақолдан: «Кўп отган билан ... бўлмас, кўп айтган билан чечан бўлмас». **7.** Тўп, замбарак стволи ўрнатилган дастгоҳ. **8.** Патроннинг порохли зарядини ёндириш учун портловчи модда солиб, ўқ тубига ўрнатилган металл қисм. **9.** Ўзбекистон қуролли кучларида лейтенантдан юқори офицерлик унвони. **10.** Қуролли кучлар мажмуи, аскар. **11.** Ҳарбийлар расмий либосининг елкасига тақилиб, либос эгасининг унвонини кўрсатувчи белги. 12. Махсус иншоотлар, қурилмалар билан жиҳозланган ва турли қуроллар ва жанговар техникани синаб кўриш, ҳарбий машқлар ўтказишга мўлжалланган маскан. **13.** Жангчининг ҳимоя мосламаси. **14.** Фазодаги нишонларни уриб туширишга мўлжалланган техника. **15.** Қўндоқ ва узун стволдан иборат ўқотар қўл қуроли. **16.** Ҳарбий денгиз флотининг оддий аскари. **17.** Бирор нуқтага ҳамда шимол томонга қаратилган икки чизиқ оралиғидаги бурчак, харита ва компасдан фойдаланиб аниқланадиган энг қисқа йўналиш. **18.** Ҳаво транспорти воситаси. **19.** Душман ҳудудида жанг олиб бориш учун тузилган ва шу ҳудудга ҳаво транспортидан туширилган қўшин. **20.** Милтиқнинг барча қисмларини тутиб турувчи ва отганда елкага тираб турриладиган қисми.

МУАММОНОМА: Аввало, қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. Ҳарбий қисмларни бошқарувчи асосий орган — **20, 21, 2, 18.**

2. Душмандан сақланиш, ҳимоя қилиш учун зарур восита ва чоралар мажмуи — **14, 11, 1,13,15,2,2.**

3. Ҳарбий билим юрти талабаси — **8,11, 9, 5, 2, 7, 21.**

4. Ўзини ҳар қандай шароитга бардошли бўлиш қобилиятини ошириш ҳаракати — **17, 3, 7,3, 4, 20.**

5. Батарея таркибига кирувчи кичик ҳарбий бўлинма — **12,16,12,13,1.**

6. Саёҳат ва спорт ишлари учун мўлжалланган, кичик кема — **22,10, 21, 2.**

7. Ер остидан, уй ёки қалъа остидан қазиб ўтказилган тор йўл — **6, 2, 23,14.**

8. Ўзгалар эргашса, тақлид қилса арзийдиган инсон — **19, 9, 7, 2, 8.**

Энди чизманинг ички қисмларидаги рақамларни калит сўзлари жавоблари билан алмаштириш орқали муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан йўналишлар бўйича ўқиш билан ибратли сўзлар аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ

Қоракўлчиликка ихтисослашган "Оққапчиғай" жамоа хўжалигининг нафақат Қумқўрғон тумани, балки Сурхон воҳаси, қолаверса, мамлакатимиз бўйлаб довруғи кетган. Чунки, хўжаликда пешқадам, фидойи чорвадорлар кўп. Шулардан бири тажрибали чўпон Иброҳим Хўжановдир. Хўжановларга чўпонлик ота-боболаридан мерос. Иброҳим отаси Шаймардон бободан чўпонлик таёғини олган. Унинг мустақил равишда аркар (отарнинг бош чўпони) бўлганига ҳам 20 йил бўлди. Отарида ҳар йили ўртача 320 бош қўзи олинаётганини ҳисобга олсак, шу йиллар орасида хўжалик қўйларини 6500 бошга кўпайтиришга ҳисса қўшди, тонна-тонналаб гўшт топширди.

ИБРОҲИМ ЧЎПОННИНГ ҚУВОНЧИ

— Чўпонликни танлаб хато қилмаган эканман. Рўзғорим бут, қўша-қўша уйлар қурдик, енгил автомашинамиз бор. Хўжалигимиз раҳбарлари ҳар томонлама кўмаклашиб турибди. Белгиланган режаларни ошириб бажарганимизда, барча чўпонлар бир бош қўй ва 5 минимал иш ҳақи миқдорида мукофотланади. Хўжалигимиз ҳисобидан иссиқ овқат берилади, — дейди Иброҳим Хўжанов. — Қишловга пухта ҳозирлик кўрилди. Етарлича дағал хашак, беда пичани жамғарганмиз. Хўжалик томонидан ажратилган омухта ем, тоғ тузларини қашарлар ёнидаги омборларга захира қилиб қўйдик.

Хўжаликда қўйларни кўпайтириш, соҳани рентабелли тармоққа айлантиришга Иброҳим Хўжанов бош чўпон бўлган отар чорвадорларининг муносиб ҳиссаси бор.

Тажрибали чўпоннинг меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. У иш фаолияти давомида вилоят ва туман ҳокимларининг ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган. Иброҳим чўпоннинг ҳаётида яна бир унутилмас воқеа бўлди. У мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор" унвонига сазовор бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

Сурхондарё вилояти Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси раислар кенгаши Шеробод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг раиси Неъмат Бобоевга акаси

Ўткир ОСТАНАҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маъмурияти Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг "Самарқанд халқаро Аэропорт" Давлат унитар корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Зиё Жўраевга отаси

СУЛТОН бобонинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2015-yil 15-yanvar, payshanba, № 7 (3512), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

СПОРТ МАКТАБИ — ЯНГИ ҚИЁФАДА

Бу ерда 542 нафар ўғил-қиз спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, бокс, бадиий гимнастика, дзюдо каби турлари бўйича куч ва маҳоратини оширмоқда. Стадиондан ташқари, замон талаблари асосида жиҳозланган 18х42 метрли спорт зали, тренажёр, тиббий хизмат хоналари ёшлар ихтиёрида. Иншоот тумандаги "Агроқурилиштаъмир" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Суратларда: *ёш спортчи Юлдузхон Исмоилова; машғулот пайтида; Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби.*

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган суратлар

▽ Билимлар беллашуви

Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактабида билимлар беллашуви кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда илмга чанқоқ, иқтидорли ўқувчилар ўзлари қизиққан фанлар бўйича билимларини синовдан ўтказди.

КАМОЛОТ САРИ

— Ўқувчиларни фанларга қизиқтириш, иқтидорини ривожлантиришда билимлар беллашувининг аҳамияти катта. Бугунги баҳсларда ҳар бир ўқувчи синфдошлари орасида билимдонлигини исботласа, кейинги босқичларда ўқув даргоҳимиз шаъни учун курашади, — дейди мактаб директори Гулноза Музаффарова. — Айнан шунинг учун улар бугунги баҳсларга катта қизиқиш, пухта тайёргарлик билан киришди. Биз ҳам дастлабки босқичнинг юқори савияда ўтишига алоҳида эътибор қаратдик. Голиб ўқувчиларимиз туман босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Мактабнинг заҳматкаш, фидойи педагоглари иқтидорли шогирдларини аниқлаб, рағбатлантириш баробарида таълим муассасаси рейтингини белгилаб берадиган билимлар беллашувининг республика босқичида юқори натижага эришишни астойдил ният қилишган.

Юлдуз КОМИЛЖОНОВА

▽ Соғлом оила — соғлом келажак

Инсон яшар экан, ҳаётнинг гоҳ ширин, гоҳ аччиқ синовларига дуч келади. Агар хато қилса, жабрини тортади-ю, айбни ўзидан эмас, ўзгалардан ахтаради. Собир ака ва Насиба опа икки фарзандни кипригига гард қўндирмай катта қилишди. Тўнғичи Икром коллежни тугатиб, ҳунарнинг бошидан тутган, қизи Гулнора эса коллежнинг 3-босқичида аъло баҳоларга ўқиётганди. Шу кунлари уларникига холаси Фазилат опа кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, муддаога ўтди:

ХАТОДАН ТУҒИЛГАН ФОЖИА

ёхуд эрта никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида

— Насиба, биласан, якка-ю ёлғиз ўғлим бор. Шу бегонага уйланмасин, топган-тутганимиз ўз қариндошимизга мерос бўлиб қолсин, деган ниятда қизингга совчи бўлиб келдим.

Насиба ҳам шу гапни кутиб тургандек:

— Опажон, тўғри айтасиз, мен ҳам қизимни ётга бермоқчи эмасман, — деди.

Маслаҳат пишди, эрлар қаршилик кўрсатишмади. Куёв бўлмиш Санжар севгани борлигини айтди-ю, балога қолди. Гулноранинг хоҳиш-истаги билан ҳам ҳисоблашилмади. Ёшларнинг тақдири бир-бирига шу тариқа мажбуран боғланди. Дабдабали тўй ўтди-ю, Санжарнинг кўнгли келинга сира исимади, Гулнора эса келинчакнинг вазифалари нимадан иборатлигини тузук-қуруқ билмас, бўлаётган воқеалардан гангиб қолган эди. Ҳомиладор бўлганидан сўнг унинг аҳволи янада оғирлашди, сўлғин чеҳраси янада сўлди.

Шифокорлар Гулноранинг иммун тизими заиф, қон босими пастлигини айтиб бир неча бор даволади. Бу орада қайнона — холанинг жағи очилди. У тинмай касал қизни келин қилгани, ношуд келин рўзғорни эплолмаётганини айтиб койинар, ўғли Санжар эса ичиб келгани-келган эди. Ниҳоят, келиннинг кўзи ёрийдиган вақт келди. Афсуски, олдинда қувончли кунлар эмас, мудҳиш ҳодиса кутиб турган экан: Гулнора туғруқхонада кўзи ёригач, оламдан ўтди, чақалоқ эса кўр туғилди.

Опа-сингил кўз ёши аралаш бир-бири билан муштлашишга бориб етишди. Фазилат:

— Қизинг касал экан, шунинг учун менга беribсан, бир сўраганимдан қўлидан тутқазиб юбора қолдинг, — деб заҳрини сочса, Насиба:

— Қизим касал бўлса, нега даволатмадинг, бағритош, — деб додларди.

Ўртадаги ришталар узилди, энг ёмони, ойдай келин бевақт нобуд бўлди. Орзулари қалбида армон бўлиб ўзи билан қабрга кетди.

Муҳтарам газетхон, агар ушбу катталарнинг маънавияти бутун, тиббий маданияти шаклланган бўлганида... эҳтимол бундай воқеа юз бермас, мен ҳам уни дилим ўртаниб қаламга олмаган бўлармидим... Бунга, Сиз нима дейсиз?

Мадина МАДИЁРОВА,
Қўшкўпир тумани

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 11 феврал куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент вилояти Хўжалик судининг 18.07.2014 йилдаги 11-1405/7573-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент вилояти Бўка тумани «Алхажар-Агро» фермер хўжалиги кредиторларининг 26.12.2014 йилдаги 3-сонли йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 08.01.2015 йилдаги 20-ЖС-сонли буюртмасига асосан хўжалик ҳисобидаги бошланғич баҳоси 220 000 000 (Икки юз йигирма миллион) сўм бўлган, 2009 йилда и/ч, д/р 85-66 ЕЦ, NEW HOLLAND TC 5060 русумли Галла комбайни қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш бўйича буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2015 йил 10 феврал кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Манзил: Тошкент шаҳар Буюк Турон кўчаси 41-уй. Тел: 8 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома № 006263. Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filial" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Қибрай тумани Тиббиёт Бирлашмасининг 2014 йил 18 декабрдаги № 198 сонли буйруғи ва 2015 йил 13 январдаги №22 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Марказий кўчаси 157-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 035 QAA бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, "Ваз 21061" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 930 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 16 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 13 феврал куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 16 феврал куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 23 феврал ва 2 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 23 феврал савдолар учун 20 феврал куни соат 18:00; 2 март савдолар учун 27 феврал куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Яшнобод (собиқ Ҳамза) тумани, Зумрад ва Хосият кўчалари, 58-ҳарбий шаҳарчада жойлашган база бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони – 663 кв.м.

Бошланғич нархи – 833 123 300 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 5 феврал куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"-А"уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 19 феврал, 5, 19, март, 2, 16, 30 апрел, 14, 28 май, 11, 25 июн ва 9, 23 июл кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

-юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч" телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

ОБ-ҲАВО 15-16 январ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 15-16 январ кунлари мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида ҳаво ўзгариб ёғингарчилик кузатилади. Шарқдан секундига 3-8 тезликда шамол эсади.

	Тошкент	Нукус	Урганч	Бухоро	Навоий	Қарши	Термиз	Самарқанд	Жиззах	Гулистон	Фарғона	Наманган	Андижон
	+6..+8,+8..+10	+3...+8, +3...+8	+3...+8, +3...+8	+3..+8,+7...+12	+3..+8,+7..+12	+6..+13, +10...+15	+8...+13, +10...+15	+7...+12, +7...+12	+7...+12, +7...+12	+7...+12, +7...+12	+5...+10, +5...+10	+5...+10, +5...+10	+5...+10, +5...+10
	-3...-1,-3...-1	-5...0,-5...0	-5...0,-5...0	-3...+2,-3...+2	-3...+2,-3...+2	-3...+2,0...+5	-3...+2,0...+5	-3...+2,-3...+2	-3...+2,-3...+2	-3...+2,-3...+2	-5...0,-3...+2	-3...+2,-3...+2	-3...+2,-3...+2

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:00
Topshirildi — 23:00

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 115 19628 nusxada bosildi 12 456